БИР БЎЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ!

VATANDOSHLAR

Ижтимоий-оммабоп газета

№ 1, 2026 йил, январ (№ 8)

vatandoshlar.uz vatandoshlar_fond vatandoshlar_fondi vatandoshlarfondi @Vatandoshlar

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 34 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ



Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Муҳтарам Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек ғоят шарафли ва масъулиятли ишга бағишлаган, ҳарбий қасамёдига содиқ қолиб, мамлакатимиз мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини кўз қорачиғидек асраб келаётган она юрт посбонларига яна бир бор юксак ҳурмат ва эҳтиром билдирамиз.

Айни вақтда Ватан олдидаги йигитлик бурчини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлган қаҳрамон ўғлонларимизнинг хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтирамиз.

Бугунги кунда халқимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритмоқда. Ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган том маънодаги тарихий ўзгаришларда шавкатли Қуролли Кучларимизнинг, сизларнинг ҳам муносиб ҳиссангиз бор, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз сизларни буюк аждодларимиз анъаналарининг шонли давомчилари деб биламиз ва сизлардек Ватанга фидойи, душманга шафқатсиз, жанговар сафларда доимо ҳушёр ва курашга шай бўлган азму шижоат соҳиблари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, эл-юртимизга шундай довюрак, ботир ва баҳодир фарзандларни тарбиялаб берган ота-оналарга, ҳарбий хизмат давомида барча қувонч ва ташвишларни улар билан баҳам кўриб келаётган оила аъзоларига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Қадрли дўстлар!

Кейинги йилларда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида ортга қайтмас ислоҳотларимизнинг мустаҳкам кафолатларидан бирига айланиб бораётган Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий қудратини ошириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширяпмиз. Жумладан, бошқарув ва таъминот тизими такомиллаштирилиб, замонавий ахборот технологиялари асосида модернизация қилинмоқда, қўшинларимизнинг жанговар сафлари янгича таълим ва тарбия олган малакали офицер ва сержантлар билан тўлдирилмоқда.

Шахсий таркибнинг тайёргарлик даражаси, ҳарбий хизматчиларнинг касбий, интеллектуал ва маънавий салоҳияти изчил юксалтириб борилмоқда. Қуролли Кучларимиз замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан босқичма-босқич таъминланмоқда.

Ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқишни ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ билан армия ўртасидаги мустаҳкам бирлик ва жипсликни янада кучайтиришга қаратилган самарали ишларимиз қатъий давом эттирилмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёнинг сиёсий ва ҳарбий харитасида қандай шиддатли ўзгаришлар юз бераётганини барчамиз кўриб, англаб турибмиз.

Турли минтақаларда геосиёсий вазият тобора мураккаблашиб, зиддият ва қонли тўқнашувлар кучаймоқда. Замонавий технологиялар, янги авлод қурол-яроғлари пайдо бўлмоқда, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг стратегия ва тактикаси янада такомиллашмоқда.

Мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз келгусида жанг ва бошқарув усулларини замон талаблари асосида янгилаймиз, юқори малакали ҳарбий кадрларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи ва жисмоний тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини кучайтириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки ҳар қандай курашнинг тақдирини шахсий таркибнинг билим ва малакаси, ирода ва қатъияти, ўзига бўлган ишончи, мардона фазилатлари ҳал қилади.

Миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, жумладан, сунъий интеллект асосида роботлаштирилган мажмуалар билан таъминлаш, қўшинларни бошқариш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнларига илғор ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишга доир ишларнинг самарасини ошириб, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ишларни кучайтирамиз. Бу борада давлат ва фуқаролик институтлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирок этишига алоҳида аҳамият қаратамиз.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи халқ билан армия – бир тану бир жон эканини, унинг ортида 38 миллионлик халқ тоғдек таянч бўлиб турганини доимо ҳис этиши, шундан чексиз куч, руҳ ва мадад олиши керак.

Ғайрат-шижоатда тенгсиз бўлган ҳарбийларимиз ёвлар олдида ҳеч қачон бош эгмаган қўрқмас ва ўтюрак аждодларимизнинг ўлмас меросини ўрганиб, улардан ибрат ва сабоқ олиб, Ватан олдидаги муқаддас бурчини бундан буён ҳам шараф билан адо этадилар, деб ишонаман.

Азиз Ватан ҳимоячилари!

Мана шу ҳаяжонли дамларда ҳар бирингизни бугунги байрам билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, сизларга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги олижаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Жонажон Ватанимиз ҳимояси йўлида ҳеч қачон толманг, ютуқ ва зафар сизларга доимо ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

САМАРАЛИ КЕЧГАН БИР ЙИЛ

2025 йил давомида Фонд томонидан хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ишлаш, ўзбек тили ва маданиятини тарғиб қилиш, илмий-интеллектуал салоҳиятни юксалтириш ҳамда ахборот-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликникучайтиришйўналишларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.



Жумладан, 16 та давлат – АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия, Жанубий Корея, Чехия, Полша, Швеция, Туркия,



Хитой, Озарбайжон, БАА, Қатар, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда 150 дан ортиқ маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, уларда 50 мингдан зиёд ватандошлар иштирок этди.

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АСРАШ ОМИЛИ

Ўзбек тилини хорижда тарғиб қилиш ва унинг нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. “Ўзбекистонликмиз” мобил иловаси ишлаб чиқилиб, унда ўзбек тилини онлайн ўрганиш, миллий маданият ва анъаналарга оид контентлар жойлаштирилди. Мазкур платформа орқали хориждаги ватандошлар учун қулай ва замонавий таълим имконияти яратилди.

Шунингдек, хориждаги ўзбек мактаблари ўқувчилари ўртасида “Ўзбек тили ва адабиёти” фанидан халқаро олимпиада ташкил этилди. Унда 45 нафар ёш иштирокчи, жумладан, Марказий Осиё давлатларидан офлайн ва Европа давлатларидан онлайн тарзда қатнашди. Бу эса тил ва адабиётга бўлган қизиқишни янада кучайтиришга хизмат қилди.

Хориждаги ўзбек мактаблари ва жамоат бирлашмаларига 17 мингдан ортиқ бадиий адабиётлар етказиб берилди. Адабиётлар Европадан тортиб Осиёгача бўлган ҳудудларда истиқомат қилувчи ватандошларга тизимли равишда тарқатилди.

2025 йилда “Ватандошлар минтақавий форум”лари ҳам юқори савияда ташкил этилди. Жумладан, Европадаги ватандошлар учун 5 апрел куни Берлин шаҳрида, АҚШ ва Канадада яшовчи ватандошлар учун 23 август куни Ню-Ёрк штатида, МДҲ давлатлари учун 4 декабрь куни Тошкент шаҳрида ҳамда Африка ва Араб кўрфази мамлакатлари учун 13 декабрь куни Дубай шаҳрида форумлар ўтказилди. Уларда 1000 нафарга яқин ватандош иштирок этди.

“АНОР” ВА “ЧИНОР” – АВЛОДЛАР ВА ҚАЛБЛАРНИ БОҒЛОВЧИ ЛОЙИҲАЛАР

Хорижда истиқомат қилаётган нуроний ватандошлар учун “Чинор” лойиҳаси амалга оширилиб, 150 нафар иштирокчи Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишди. Улар учун Самарқанд ва Хоразм шаҳарларига зиёратлар ташкил этилди.

Ёш ватандошлар учун “Анор” лойиҳаси доирасида ёзги оромгоҳлар ташкил қилиниб, 210 нафар жажжи болажонлар маданий-маърифий тадбирларда иштирок этишди. Миллий таомлар бўйича маҳорат дарслари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар уларнинг маънавий дунёқарашини бойитишга хизмат қилди.

Шунингдек, “Аждодларимиз изидан”, “Ёш ватандош ёзувчи” ва “Саҳналар дўстлиги” каби янги лойиҳалар йўлга қўйилди. Шу билан бирга, хорижда 15 та янги жамоат бирлашмалари ташкил этилди.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР – БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК РАМЗИ



Наврўз умумхалқ миллий байрами хорижий давлатларда кенг нишонланди. 10 мингдан ортиқ ватандош иштирок этган тадбирлар миллий қадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

“Саҳналар дўстлиги” лойиҳаси доирасида қўшни давлатларга гастрол сафарлари уюштирилиб, қарийб 1,5 минг нафар ватандош учун театр намойишлари ташкил этилди. Жумладан, Ўш шаҳрида, Суғд вилояти ҳудудида ва Чимкент шаҳрида спектакллар намойиш этилди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллуди муносабати билан қўшни давлатларда 2000 дан ортиқ ватандош иштирокида адабий кечалар ўтказилди. Ғолиб ва фаол иштирокчиларга “Анор” лойиҳасига йўлланмалар тақдим этилди.

Онлайн миллий рақс ва мусиқа тўгараклари ташкил этилиб, 200 дан ортиқ миллий чолғу асбоблари ва 250 дан зиёд миллий либослар ёш иштирокчиларга тақдим этилди.

ИЛМ-ФАН ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Қўшни давлатларда 120 нафар ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари учун малака ошириш курслари ташкил этилди. Шунингдек, “Илм соҳили” лойиҳаси доирасида 92 нафар аниқ фанлар ўқитувчилари иштирокида илмий-амалий анжуман ўтказилди. “Эзгу амал” лойиҳаси доирасида 7 нафар ижодкор ватандошларнинг асарлари нашр этилди.

АХБОРОТ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ – ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

“Ватандош+” подкасти ва “Йўловчи” лойиҳалари орқали 20 дан ортиқ медиа маҳсулотлар тайёрланди. “Ватандош” журнали чоп этилиб хорижда истиқомат қилиб келаётган ватандошлар ҳаёти атрофлича ёритилди.

“e.vatandoshlar.uz” платформаси ишлаб чиқилиб, хориждаги ватандошлар билан мулоқотларни рақамлаштириш йўлга қўйилди. Шунингдек, “dars.vatandoshlar.uz” таълим платформаси орқали математика, тарих, она тили, адабиёт ва сунъий интеллект бўйича бепул дарслар жойлаштирилди.

Мураккаб ҳаётий вазиятга тушган 50 нафар ватандошга моддий, ижтимоий ва ҳуқуқий кўмак кўрсатилди. ЗООМ платформаси орқали 5 мингга яқин тингловчи учун маҳорат дарслари ва вебинарлар ташкил этилди.

Фонд фаолияти ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиб, кўрганлар сони 17 миллиондан ошди. Республика ва хорижий матбуот нашрларида 40 дан ортиқ мақолалар эълон қилинди, 300 дан зиёд видеолавҳалар намойиш этилди.

Хулоса қилиб айтганда, 2025 йил Фонд фаолиятида самарали, кенг қамровли ва стратегик аҳамиятга эга ташаббуслар йили бўлди. Ўзбек тили ва маданиятини асраш, ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, ёшлар ва зиёлиларни қўллаб-қувватлаш, ахборот майдонида фаолликни ошириш орқали миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш йўлида муҳим қадамлар қўйилди.

Абдурауф Зокиров



ДИЛ ИЗҲОРИМ...

> *“ВАТАНДОШЛАР” ЖАМОАТ ФОНДИ МЕН УЧУН ЧИН МАЪНОДАГИ МУВАФФАҚИЯТ ЭШИГИ БЎЛДИ. УШБУ ФОНД ОРҚАЛИ КЎПЛАБ ОРЗУЛАРИМ РЎЁБГА ЧИҚДИ, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ДАРВОЗАСИ КЕНГ ОЧИЛДИ.*
>
> *ЎЙЛАЙМАНКИ, БУ МУСТАҲКАМ ЖАМОА ДУНЁНИНГ ТУРЛИ БУРЧАКЛАРИДА ЯШАБ КЕЛАЁТГАН ВАТАНДОШЛАР ҚАЛБИДА ҲАМ МЕНДАГИ КАБИ ИЛИҚ ФИКР ВА ИШОНЧ УЙҒОТИБ УЛГУРГАН. БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА “ВАТАНДОШЛАР” ЖАМОАТ ФОНДИНИ МИЛЛИОНЛАБ ЮРАКЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ МУҲИМ ТАШКИЛОТ ДЕЙИШ МУМКИН.*

ҲУРМАТЛИ «ВАТАНДОШЛАР» ЖАМОАТ ФОНДИ РАҲБАРИЯТИ!

СИЗЛАРНИ ФОНД ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИЛК КУНЛАРДАН БУЁН ҚИЗИҚИШ ВА ИФТИХОР БИЛАН КУЗАТИБ КЕЛМОҚДАМАН. ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИНГИЗ ТАҲСИНГА САЗОВОР ВА НИҲОЯТДА САЛМОҚЛИДИР.

Айниқса, «Сиз Ўзбекистонни биласизми?» лойиҳаси доирасида хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимизни ҳомийлик асосида юртимизнинг кўплаб шаҳарлари ва тарихий обидалари билан таништириш ташаббусингиз алоҳида эътирофга лойиқ.

Шунингдек, нуроний ватандошлар учун «Чинор», ёш авлод учун «Анор» лойиҳаларининг йўлга қўйилиши орқали хориждаги юртдошларимизга юксак эҳтиром ва меҳр-эътибор кўрсатаётганингизнинг гувоҳи бўлиб келмоқдамиз.

Ўтган йилдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари учун махсус танлов асосида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорликда ташкил этилган Малака ошириш курсларида иштирок этиш имконияти яратилгани биз учун катта ютуқ мазмунли маърузалари, Абдулла Қодирий уй-музейига саёҳат ҳамда Муқимий номидаги театр томошаси, Самарқанд шаҳрига уюштирилган сафар – буларнинг барчаси умрим давомида ёдимдан чиқмайдиган унутилмас хотираларга айланди.

Жорий йилнинг ўзида юртимизга уч маротаба ташриф буюриб, турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказганингиз таҳсинга лойиқ. Ҳар бир ташрифингиз чоғида ўзбек мактабларига бадиий китоблар, чолғу асбоблари ва миллий кийимлар тақдим этаётганингиз биз ўқитувчиларни ҳам, ўқувчиларимизни ҳам чексиз қувонтирмоқда. Бундай юксак ғамхўрлик ва эътибордан барчамизнинг бошимиз осмонда.

Шунингдек, Ўзбекистонда нашр этиладиган нуфузли «Ҳуррият» ҳамда қозоқ тилидаги «Нурли жўл» газеталарида Фонд фаолияти ҳақида мақолаларим эълон қилинди. 2025 йилнинг 3–5 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган минтақавий форумда иштирок этганим ҳам мен учун катта тажриба мактаби бўлди.

Яқинда яна бир эзгу ташаббус – «Ватандош» журналининг илк сони нашр этилгани биз учун катта қувонч бағишлади. Журнални катта қизиқиш ва мамнуният билан мутолаа қилдим.

> **ДУНЁДА ЮРТЛАР, МИЛЛАТЛАР КЎП. АММО ОДАМЗОТ УЧУН ВАТАН БИТТА!**
>
> **ЧУНКИ ИНСОННИ ИНСОН ҚИЛИБ ТУРАДИГАН ЭНГ УЛУҒ ТУЙҒУЛАРДАН БИРИ ВАТАНГА БЎЛГАН МУҲАББАТДИР. КИШИ ҚАЕРДА ЮРМАСИН, ҚАЙСИ ЮРТДА ЯШАМАСИН, УНИНГ ҚАЛБИДА ТУҒИЛИБ ЎСГАН ЗАМИНГА НИСБАТАН АЛОҲИДА МЕҲР ВА СОҒИНЧ ЯШАЙДИ.**





Бир сўз билан айтганда, «Ватандошлар» жамоат фонди менинг кўплаб орзуларимни рўёбга чиқарган, қалбимга яқин ва азиз ташкилотга айланди.

Фонд фаолияти туфайли биз ўзимизни бутун вужудимиз билан Ўзбекистон фарзанди, Ватанимизнинг ажралмас бир бўлаги сифатида ҳис этмоқдамиз.

Сўзим якунида сизларга мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли ва шарафли фаолиятингизга янада юксалиш, янги ютуқ ва зафарлар тилайман.

Равшанбек Убаев,
Қозоғистон Республикаси

бўлди. Ушбу курснинг учинчи босқичида қатнашиш бахтига мушарраф бўлдим. У ерда олган таассуротларимни бир сўз билан ифодалаш мушкул. Забардаст олимлар – Нурбой Жабборов ва Баҳодир Каримнинг


Ўтган йили буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳазратларининг 584 йиллиги муносабати билан ўтказилган танловда улуғ бобокалонимизга бағишлаб ёзган шеърим билан иштирок этиб, фонднинг махсус сертификати билан

VATANDOSHLAR

2026 йил, январ

vatandoshlar.uz vatandoshlar_fond vatandoshlar_fondi vatandoshlarfondi @Vatandoshlar

КАТТА МАҚСАДЛАР САРИ



Глобаллашув жараёнлари тобора кучайиб бораётган бугунги кунда дунё бўйлаб турли мамлакатларда яшаб, фаолият юритаётган ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳар бир давлат учун муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, уларнинг интеллектуал салоҳияти, тажрибаси ва ташаббусларини она Ватан тараққиёти йўлида сафарбар этиш мамлакат ривожи учун катта имкониятлар яратади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ҳам хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай муҳим вазифаларни амалга оширишда “Ватандошлар” жамоат фонди алоҳида ўрин тутади.

Фонднинг асосий мақсади – хорижда яшаб, меҳнат қилаётган юртдошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, уларни миллий қадриятлар ва маданий мерос атрофида бирлаштириш, шунингдек, уларнинг салоҳиятини мамлакат тараққиётига йўналтиришдан иборат.

Фонд ташкил этилганидан буён унинг иш кўлами ва самарадорлиги изчил равишда ошиб бормоқда. Айни пайтга қадар Фонд томонидан дунё бўйлаб 400 дан ортиқ турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Бу тадбирлар доирасида турли мамлакатларда яшаб келаётган ўзбекистонликлар ўртасида маданий мулоқотлар, илмий учрашувлар, маърифий кечалар, китоб тақдимотлари ва ижтимоий ташаббуслар амалга оширилди. Бундай тадбирлар ватандошлар ўртасида ўзаро алоқаларни кучайтириш, уларнинг миллий ўзлигини сақлаб қолиш ва ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, Фонд томонидан бугунга қадар 100 дан ортиқ турли лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, илм-фан ва маданият соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган.

Шу ўринда “Анор” лойиҳаси хусусида қисқача тўхталсак. Масалан, ўтган йилда мазкур лойиҳа доирасида 2010 нафар ёш ватандош юртимизга ташриф буюрди.

Бу йил эса “Анор” лойиҳаси янада кенг қамровли тарзда амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Хусусан, 2026 йилда мазкур дастур доирасида Ўзбекистонга ташриф буюрувчи ёш ватандошлар сонини икки баробарга ошириш кўзда тутилган. Бу эса янада кўпроқ ёшларни ўз илдизлари, тарихи ва маданияти билан яқиндан таништириш имконини беради.

Фонд 2026 йилда ҳам олдига улкан мақсадларни қўйган. Хусусан, янги лойиҳаларни ишга тушириш, мавжуд дастурларни янада такомиллаштириш ва уларнинг қамровини кенгайтириш режалаштирилган. Жумладан, “Минг юракда бир Ватан” деб номланган янги лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида хорижда яшаб, турли соҳаларда катта ютуқларга эришган ватандошлар ҳақида китоблар яратиш режалаштирилган. Бу китобларда уларнинг ҳаёт йўли, муваффақиятга эришиш сирлари, Ватанга бўлган муҳаббати ва мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ёритилади.

Мазкур лойиҳа орқали нафақат хориждаги ватандошларнинг фаолияти кенг жамоатчиликка таништирилади, балки ёш авлод учун ҳам ибратли ҳаёт йўли намуналари тақдим этилади. Бу эса ёшларни илм-фанга, изланишга ва юрт равнақи учун хизмат қилишга руҳлантириши шубҳасиз.

Бундан ташқари, Фонд томонидан яна ўндан зиёд янги лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу ташаббуслар орқали хорижда яшаб келаётган юртдошларни Ватан билан янада яқинлаштириш, уларнинг илмий, маданий ва иқтисодий салоҳиятини Янги Ўзбекистон тараққиётига йўналтириш мақсад қилинган.

Шунингдек, Фонд фаолияти она тилимизни асраш, ривожлантириш, миллий қадриятлар ва анъаналаримизни дунё бўйлаб кенг тарғиб қилишга ҳам хизмат қилмоқда. Хорижда ўтказилаётган маданий тадбирлар, адабий кечалар, миллий байрамлар ва фестиваллар орқали ўзбек тили, маданияти ва урф-одатлари янада кенг ёйилмоқда.

Бугунги кунда дунё бўйлаб миллионлаб ватандошларимиз турли соҳаларда фаолият юритмоқда. Улар орасида олимлар, тадбиркорлар, муҳандислар, санъаткорлар ва бошқа кўплаб касб эгалари бор. Улар билан доимий алоқада бўлиш, уларнинг тажрибаси ва билимларидан фойдаланиш мамлакат тараққиёти учун муҳим омил ҳисобланади.

“Ватандошлар” жамоат фонди айнан шу вазифани амалга оширишда кўприк вазифасини бажаришни ўзига мақсад қилиб олган. Фонд томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ватандошларимизни бирлаштириш, уларнинг юрт билан алоқаларини мустаҳкамлаш ва миллий бирликни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Шу маънода, Фонднинг 2026 йилга мўлжалланган режалари ва янги ташаббуслари катта аҳамиятга эга. Янги лойиҳалар, кенг қамровли дастурлар ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш орқали ушбу ташкилотнинг фаолияти янада самарали бўлиши кутилмоқда.

Шубҳасиз, “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар нафақат хориждаги ватандошларимизни бирлаштириш, балки мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга ҳам хизмат қилади. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар орқали юртдошларимизнинг Ватан билан маънавий боғлиқлиги янада мустаҳкамланади.

Муассис: **“Ватандошлар”** жамоат фонди

Ижодий гуруҳ раҳбари: **Одилжон Саттаров**

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин. Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 20.12.2023 йил № 191084 да рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Абдурауф Зокиров
Дизайнер: Феруз Ҳакимов

Манзилимиз: 100090, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45-уй

Қабулхона (55) 502-22-99 E-mail: gazeta@vatandoshlar.uz Veb-sayt: www.vatandoshlarfondi.uz